O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJONVILOYATI JALAQUDUQ TUMANI HOKIMINING QARORI

171100 Jalaquduqshahar, O‘zbekiston ko‘chasi 62-uy, tel:74-755-23-60, faks: 755-17-67 e-mail: Jalaquduq @andijon.uz

2022 - yil 1 - iyul 344-1-21-Q/22 Jalaquduq tumani hokimligi

Туманда давлат ахамиятида бўлган автомобиль йўлларига йўл белгиларини ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида

Жалақудуқ тумани худудида умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари бўйларида мавжуд мактаб ва мактабгача таълим муассасалари атрофида харакат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан, туман адлия бўлимининг тақдимномасини ҳамда туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2022 йил 06 июн кунги 02-2/183-сон хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни 7-, 20-моддалари, “Йўл харакати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрь кунги "Йўл харакати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 370-сонли қарорини туманда ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1.Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2022 йил 06 июнь кунги 02-2/183-сонли хати инобатга олинсин.

2.Туман адлия бўлимининг тақдимномасига асосан, Ақча МФЙ ҳудудида жойлашган 9-сонли умумий ўрта таълим мактаби, ҳамда 27-сонли мактабгача таълим муассасаси ва Шархончеки МФЙ худудида жойлашган 7-сон мактабгача таълим муассасаси ёнидан ўтган йўлнинг қатнов қисмида болалар чиқиб қолиш эҳтимолини билдирувчи 1.21 "Болалар" йўл белгиси, шунингдек пиёдалар, болалар йўлнинг қатнов қисмини мунтазам кесиб

ўтишда, 1.20 "Пиёдалар ўтиш жойи" 5.16.1,5.16.2 белгилари ва (ёки) 1.14.1-1.14.3 чизиқлари билан белгиланган пиёдалар ўтиш жойи йўл белгиларини ўрнатиш ҳамда туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2022 йил 06 июнь кунги 02-2/183-сон хатига асосан, туман ҳудудидаги умумфойдаланувдаги автомобил йўллари бўйларида мавжуд мактаб ва мактабгача таълим муоссасалари атрофида харакат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, 1-иловага мувофиқ сунъий нотекисликлар ва тегишли йўл белгиларини ўрнатилишига рухсат берилсин.

3.Жалақудуқ тумани ички ишлар бўлими (Ғ.Алимов)га:

ушбу худудларда харакатланувчи транспорт воситаларининг мазкур йўл белгилари ва ускунларга қатъий риоя қилинишини ҳамда харакат хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўриб бориш вазифаси топширилсин.

4.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Комилов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Х. Латипов**

Jalaquduq tuman hokimining
2022 yil 1 iyuldagi
344-1-21-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Жалақудуқ ТЙФУК хизмат кўрсатаётган умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари бўйидаги мавжуд муассаса, мактаб ва МТТлари атрофига ўрнатиладиган 1.31 “Сунъий йўл нотекислиги” ва тегишли йўл белгилари манзиллари рўйхати

Т.р	Йўл номи	йўл қисми (км)	Муассаса ёки мактаб рақами	Белги рақами
1	4Р135 “ Андижон-Тешиктош-Ойим-Қўрғонтепа-Жалақудуқ-А-373 а/й”	23	38	1.31, 3.24, 1.29
2	4Р135 “ Андижон-Тешиктош-Ойим-Қўрғонтепа-Жалақудуқ-А-373 а/й”	36	30	1.31, 3.24, 1.29
3	4Р135 “ Андижон-Тешиктош-Ойим-Қўрғонтепа-Жалақудуқ-А-373 а/й”	37	Ойим, Мусиқа мактаб	1.31, 3.24, 1.29
4	4Р135 “ Андижон-Тешиктош-Ойим-Қўрғонтепа-Жалақудуқ-А-373 а/й”	39	50	1.31, 3.24, 1.29
5	4Р135 “ Андижон-Тешиктош-Ойим-Қўрғонтепа-Жалақудуқ-А-373 а/й”	40	49	1.31, 3.24, 1.29
6	4Р135 “ Андижон-Тешиктош-Ойим-Қўрғонтепа-Жалақудуқ-А-373 а/й”	62	12	1.31, 3.24, 1.29
7	4Р135 “ Андижон-Тешиктош-Ойим-Қўрғонтепа-Жалақудуқ-А-373 а/й”	64	11	1.31, 3.24, 1.29
8	4Р248 “Андижон-Ж. Оламушук-Ойим-М-41	21	Харб. қисм	1.31, 3.24, 1.29
9	4Р248 “Андижон-Ж. Оламушук-Ойим-М-41	22	20	1.31, 3.24, 1.29
10	4Р248 “Андижон-Ж. Оламушук-Ойим-М-41	35	32	1.31, 3.24, 1.29
11	4Р248 “Андижон-Ж. Оламушук-Ойим-М-41	37	40	1.31, 3.24, 1.29
12	4Р249 Қуруққайроғоч-Жан.Оламушук-Охунбобоев-Жалақудуқ а/й	36	44	1.31, 3.24, 1.29
13	4Р249 Қуруққайроғоч-Жан.Оламушук-Охунбобоев-Жалақудуқ а/й	40	10	1.31, 3.24, 1.29
14	4Р249 Қуруққайроғоч-Жан.Оламушук-Охунбобоев-Жалақудуқ а/й	25	5	1.31, 3.24, 1.29
15	4К72 ” Кўтарма-Охунбобоев- Қўрғон-Тепа-Чимён-Панжикўрғон”	6	15	1.31, 3.24, 1.29
16	4К72 ” Кўтарма-Охунбобоев- Қўрғон-Тепа-Чимён-Панжикўрғон”	12	6	1.31, 3.24, 1.29
17	4К72 ” Кўтарма-Охунбобоев- Қўрғон-Тепа-Чимён-Панжикўрғон”	16	26	1.31, 3.24, 1.29
18	4К75 “Қорасув-Қўштепа-Ёрқишлоқ”	21	6	1.31, 3.24, 1.29
19	4К75 “Қорасув-Қўштепа-Ёрқишлоқ”	27	7	1.31, 3.24, 1.29
12	4К124 “Ойим-Кўприкбоши-Қарамиш”	5	27	1.31, 3.24, 1.29
21	4Н1073”Қатортол-Кичикполвон-Чўнқа-Кўчатзор”	7	23	1.31, 3.24, 1.29
22	4Н1148”4Р249-а/й-Пахтачи қ.”	2	42	1.31, 3.24, 1.29
23	4Н1074 “Қиличмозор-Капа-Дўнгқишлоқ”	7	13	1.31, 3.24, 1.29